

Бир гуруҳ имом-хатибларимиз Чикаго шаҳрига етиб келдилар



11:51 / 25.04.2022 1993

Айни кунларда ўзбекистонлик бир гуруҳ имом-хатибларимиз Америка Қўшма Штатларида бўлиб ўтадиган Рамазон тадбирларида иштирок этиш учун ушбу мамлакатда бўлиб турибдилар.

Юртимиз имом-хатиблари Огаё штати Синсиннати шаҳридаги ташрифларини яқунлаб, Чикаго шаҳрига етиб келдилар. У ердаги ватандошларимиз имом-хатибларимизни кўтаринки кайфиятда кутиб олиб, шу ерда истиқомат қилувчи юрtdошларимизнинг таклифларига кўра, ифторлик дастурхонида меҳмон бўлдилар.

Сўнгра шом намозини ватандошларимиз билан бирга адо этдилар.